

Икки улкан мавқиф

Фазилатли шайх

Абдуллаҳиқ ибн Абдулмуҳсин ал-Бадр

ҳафизаҳуллоҳ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Банда Раббиси ҳузурида турадиган икки мавқиф бўлиб, бири ушбу ҳаёти дунёда. Бошқаси эса қиёмат куни Аллоҳ жалла ва аълага йўлиқадиган кунда. Биринчи мавқиф салоҳиятли экани, банданинг иккинчи мавқифдаги нажот ва саодати демақдир. Банданинг биринчи мавқифдаги ҳолати бузуқ экани эса иккинчи мавқифда ишпининг зое бўлиши ва зиёнкор экани демақдир.

Биринчи мавқиф: Аллоҳ жалла ва аъла бандаларига бир кеча ва кундузда беш маҳал китобат ва фарз қилган намоздир. Кимки ушбу намозга риоя қилса, унга аҳамият қаратса, эътибор берса, уни ўз вақтида адо этса, шарт, рукн ва вожиботларига риоя қилса қиёмат кунидаги мавқиф унга енгил кечади. Нажотга эришиб, омад қозонади. Аммо бу мавқифга енгил муносабатда бўлса, ушбу намозга эътиборсиз бўлса, унга аҳамият қаратмаса, унда қатъиятли бўлмаса, рукн, шарт ва вожиботларига риоя қилмаса унга қиёмат кунидаги мавқиф оғир кечади.

Термизий, Насоий ва бошқалар Ҳурайс ибн Қабийса раҳимаҳуллоҳдан ривоят қиладилар: *«Мадинага келиб, Аллоҳ жалла ва аъладан менга солиҳ бир суҳбатдош насиб айламогини сўрадим. Ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуға ҳамсуҳбат бўлдим. У кишига: «Эй, Абу Ҳурайра! Дарҳақиқат, Аллоҳдан менга солиҳ бир суҳбатдош насиб айламогини сўрадим. Бас, менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганингиз бир ҳадисни таълим беринг! Шояд Аллоҳ уни менга манфаатли қилса!» Шунда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деяётганларини эшитдим: «Банда қиёмат куни сарҳисоб қилинадиган биринчи амали – намозидир. Агар намоз салоҳиятли бўлса, дарҳақиқат, нажот топибди ва омад қозонибди. Агар намоз барбод бўлса, дарҳақиқат, муваффақиятсизликка учрабди ва зиён кўрибди» - дедилар».* Саҳиҳ ҳадис.¹

Аллоҳ сизларни сақласин! Ўйлаб кўринглар! Иккинчи мавқифнинг салоҳияти биринчи мавқифнинг салоҳиятига кўз тиккан. Иккинчи мавқифдаги зиён биринчи мавқифдаги зиёнга қараб қолган.

Ҳа! Кимда-ким ушбу намозни зое қилса, унга енгил муносабатда бўлса, уни адо этиш ва унга риоя қилишда камчиликка йўл қўйса, хоҳ хоҳласин ёки бош тортсин, Аллоҳ жалла ва аълага йўлиқадиган кун, иккинчи мавқифда ўзини очик зиёнга ҳукм қилибди. Ушбу мавқифда надомат чекади. Унга надомат фойда бермайди.

Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни намозни ёдга олиб: *«Ким унга риоя қилса, қиёмат куни унга нур, ҳужжат ва нажот бўлади. Кимда-ким унга риоя қилмаса унга нур, ҳужжат ва нажот бўлмайди. Ҳамда қиёмат куни Қорун, Фиръавн, Ҳомон ва Убай ибн Халаф билан бирга бўлади»* - дедилар.²

Кимки намозни зое қилса, хоҳласин ёки бош тортсин, қиёмат куни куфр арбоблари ва ботил раҳнамолари билан қайта тирилишга ўзининг устидан ҳукм ўқибди. Ушбу ҳаётда ўзи учун дилхушлик, ботил, сохталик, залолат, фисқ, ҳазил-ҳузул, разолат бошлиқлари ва фасод

¹ Термизий (413), Насоий (465), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ ал-Жомеъ» (2020)да саҳиҳ деди.

² Аҳмад «Муснад» (2/169), Доримий «Сунан» (2721).

даъватчиларига эргашишлик намоздан уни машғул қилишликка рози бўлган экан, қиёмат куни қайта тирилиши ҳам ўзига ўхшаганлар билан бўлади:

﴿أَحْشُرُوا الَّذِينَ ظَلَمُوا وَأَزْوَاجَهُمْ وَمَا كَانُوا يَعْبُدُونَ ﴿٢٢﴾ مِنْ دُونِ اللَّهِ فَأَهْدُوهُمْ إِلَى صِرَاطِ الْجَحِيمِ ﴿٢٣﴾﴾

«(Эй фаришталар, сизлар) **золим-кофир бўлган кимсалар ва уларнинг ҳамтовоқларини ҳамда улар Аллоҳни қўйиб ибодат қилиб ўтган нарсаларини тўплаб, дўзах йўлига бошланглар»** (Соффат: 22-23). Ҳар бир киши қиёмат куни ушбу ҳаётдаги ҳамтовоғи билан бирга қайта тирилади. Агар намоз аҳли ҳамда уни Аллоҳнинг уйларида ўз вақтида адо этувчилардан бўлса, қиёмат куни намозхон, итоатгўй, пайғамбар, сиддиқ, шаҳид ва солиҳлар билан қайта тирилишга мушарраф бўлади. Улар қандай ҳам яхши ҳамроҳлардир. Кимники намозидан фисқ, залолат, дилхушлик ва ботил чалғитиши билан ўзи учун бу нарсдан бош тортса, батаҳқиқ, қиёмат куни ўз ҳамтовоқлари билан қайта тирилади. У киши алайҳиссалоту вассалам шундай дедилар: **«Бош тортганларидан таиқари умматининг бари жаннатга киради»**. (Саҳобалар): **«Эй, Аллоҳнинг элчиси! Ким ҳам бош тортади?»** - дедилар. У киши (солаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Ким менга итоат қилса жаннатга киради. Ким менга итоатсизлик қилса, дарҳақиқат, бош тортибди»** - дедилар.³

Сўнг қиёмат кундаги мавқиф ҳақида бир фикрлаб кўр, Аллоҳ сени сақласин! Ушбу мавқиф ҳақида фикр юритиб кўр! Батаҳқиқ, сен унда турувчисан. Ҳа, Аллоҳга қасам! Оғир ва кўрқинчли мавқиф. Бу мавқифда қанча туришни биласанми? Унинг миқдори элик минг йилдир. Одамлар миқдори элик минг йил бўлган бир кунда турадилар. Ушбу кунга бу ҳаётдаги кунларингни солиштириб кўрса бўладими?! Фараз қилайлик, сен олтмиш йил ёки етмиш йил ёхуд саксон йил ёкида бундан озроқ ё кўпроқ ҳаёт кечирдинг. Ушбу йиллар ёки санокли кунлар ана у оғир мавқифга солиштирарликмикин? Ушбу санокли кунларни миқдори элик минг йил бўлган бир кунга қиёс қилгурликмикин?!

Сўнг мисол тариқасида айтайликки, умринг олтмиш йил бўлди. Дарҳақиқат, унинг учдан бирини уйқуда ўтказдинг. Чунки сен бир кеча ва кундузда тахминан саккиз соат ухлайсан. Уйқудаги одамдан эса қалам кўтарилган. Кимки олтмиш йил ҳаёт кечирса, дарҳақиқат, ҳаётининг йигирма йилини ухлаб ўтказибди. Шундан тахминан ўн беш йил ҳаётининг аввалида банд мукаллаф бўлмаган бўлади. Демак, сенга бу ҳаётдан санокли кунлар қолмадими ахир?!

Ушбу намоз борасида Аллоҳдан кўрқ! Аллоҳ сени сақласин! Аллоҳ жалла ва аъланинг хузуридаги ушбу мавқифга риоя қил! Уни улуғла! Аллоҳ сени ҳимоясига олсин! Ушбу намоз сабаб ишинг Аллоҳнинг хузурида улкан бўлади, Унинг хузурида ўрнинг олий бўлади. Намозни зое қилишдан сақлан! Батаҳқиқ, уни зое қилишлик очиқ-ойдин зиёндр.

Ҳокимнинг «Мустадрок»ида⁴ Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан Пайғамбар солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганликлари собит бўлган: **«Мўминлар учун қиёмат куни пешин билан аср оралиғичалиқдир»**. Бунинг икки намоз орасига белгилаб берилишида намознинг ўрни ҳамда ушбу иш рўёбга чиқишида намознинг (қанчалик) таъсирга эга эканига огоҳлантирув бор.

Келинлар, намозимиз борасида Аллоҳдан кўрқайлик! Одамлар афсусланарли ҳолат, оғриқ берувчи ишлар ва аламли воқелиқда унга (намозга) енгил ёндашишлари, уни назар-писанд қилмасликлари, уни ва унинг шарт, рукн ва вожиботларини зое қилишликлари кўплаб юз бериб турган ушбу улуғ фарз ҳақида Аллоҳдан кўрқайлик!

Намознинг зое бўлиши дунё ва охирадаги барча яхшиликдан маҳрум қолиш ва очиқ-ойдин зиёндр. Ўзинг учун фақат бадбахтлик ҳаётини кечириб, хорлик ва зиёнга эришишга рози

³ Бухорий (7280), Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят.

⁴ (1/158), Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ ал-Жомеъ» (8193)да саҳиҳ деди.

бўлиб қўйишдан сақлан! Батаҳқиқ, ким намозни зое қилса ўзини шунга ҳукм қилибди ва ўзи учун хор бир ҳаётга рози бўлибди.

Ҳа! Агар банда билан Аллоҳ ўртасидаги алоқа бўлмиш намоз зое қилинса қайси яхшилик ражо қилиниб, қайси фазилат умид қилинсин?!

Бирлари хатиблардан бирини маломат ва койиган ҳолда шундай деди: «Сен неча йилларки бизнинг орамизда нутқ ийрод қиласан. Нима тақдим қилдинг?» Шунда у ҳам унга қарата: «Сизлар эса ушбу муддат давомида тинглаб бординглар. Қани нима амал қилдингиз?» - деди.

Агар мусулмон мавъиза ёки нутқ тингласа, бас, уни қалбига жо қилсин ва Ҳомийси уни амалга муваффақ қилиши ва ўнглаши ҳамда уни кўз очиб-юмуш лаҳзасичалик ўзига ташлаб қўймаслиги учун Раббиси жалла ва аълага юзлансин. Зотан қанчадан-қанча одамлар мавъиза ва насихатларга қулоқ тутди. Шунга қарамай улар орасида ҳануз ғофиллари бор! Аллоҳ жалла ва аъланинг ҳузурида махлуқот ва бандалар учрашади. У ерда жазо-мукофот ва сарҳисоб бор. Демак, банда ушбу ҳаётда мавжуд эканидан ўзини ислоҳ қилиш, ҳолатини поклаш, амалини гўзал қилишда ғанимат билсин! Тавфиқ эса шериги йўқ, ёлғиз Аллоҳнинг Қўлидадир.

Эй Аллоҳ! Биз Сендан, Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ экани, гўзал исмларинг ва олий сифатларинг ҳаққи Ўзинг томондан фазлу марҳамат ўлароқ барчамизни ва зурриётларимизни намозни тўла адо қилувчилардан қилишингни сўраймиз, эй барча оламлар Рабби!

<http://al-badr.net/muqolat/2593>

Манба: [Тавҳид форуми](#)